



**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИ
БИЛАН
«ARTEL ELECTRONICS» КОМПАНИЯСИ
ЎРТАСИДА**

**КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДА
ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА**

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

2021 йил ____ март, Тошкент ш.

Тошкент шаҳридаги Аджу университети (бундан кейин - «Университет») номидан Университет ректори Муратов Гайрат Азатович, ва «Artel electronics» МЧЖ (бундан кейин - «Компания») номидан Бошқарув Раиси **Қобил Тошмухаммедов Абдужалилович**, биргаликда «Томонлар» деб аталувчилар,

кадрлар тайёрлаш тизимини олий таълим – илм-фан, ишлаб чиқариш узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили, шунингдек, жаҳон таълим ҳамда илмий ҳамжамиятига интеграциялаш асосида ривожлантиришни кўзлаб;

халқнинг бой интеллектуал мероси ва замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими асосида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда электротехника ва маиший техника тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш заруриятини тан олиб;

таълим тизимида жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш мақсадида;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантириш асосида **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1-модда. Ҳамкорлик мақсади

Томонлар ушбу Англашув Меморандуми ўзаро ҳамкорликнинг умумий тамойилларини ўз ичига олганлигини чуқур англаган ҳолда, унинг қоидалари ҳамда амалдаги қонунчилик, соҳага оид давлат дастурлари ва ўз уставларига амал қилиб, ўзларининг ваколатлари доирасида ўзаро ҳурмат асосида кадрларни тайёрлаш соҳасида икки томонлама манфаатли ҳамкорликни қўллаб қувватлайдилар ва ривожлантирадилар.

2-модда. Ҳамкорлик соҳалари

Томонлар, кўзланган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар ва илгари сурадилар:

а) умумий манфаатга доир масалалар юзасидан маълумотлар, тажриба ва амалиёт алмашиш;

б) “Университет” нинг ўқув жараёнига илғор технологиялар, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишга кўмаклашиш;

в) “Компания”нинг мутахассисларга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда ўқув режалари, фан дастурлари, ўқув адабиётлари, шу жумладан ўқув-методик комплексларини Аджу Университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда халқаро стандартлар асосида, замонавий, мутлақо янги талаблар асосида ишлаб чиқилиши ва босқичма-босқич жорий этилишини ташкил қилишни ўзаро

ҳамкорликда амалга ошириш;

г) “Университет”нинг тегишли таълим йўналишлари бўйича талабаларни 2-курсдан бошлаб “Компания”нинг тегишли муайян ташкилотлари ва корхоналарида малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини, шунингдек уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш ва келгусидаги ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси кафолатлари бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш;

д) “Университет”да ўқитишнинг замонавий шакллари ва методларини, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини, 3D моделларни ва ишлаб чиқариш жараёнларини симуляция қилувчи дастурларни восита сифатида қўллашни таълим жараёнига кенг қўламда жорий этиш;

е) “Компания” томонидан электротехника ва маиший техника соҳаларининг истикболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш;

ё) “Компания” томонидан ҳомийлик асосида “Университет”ни замонавий маиший техника намуналари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, “Artel” савдо белгиси асосида иккита лекция залини жиҳозлашда кўмаклашиш;

ж) таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни чуқурлаштириш учун ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва уларни нашр қилиш, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш;

з) профессор-ўқитувчилар, таянч докторантлар, мустақил изланувчилар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот салоҳияти ва фаолиятдан “Компания” томонидан унумли фойдаланган ҳолда уларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

и) “Университет” талабаларига таълим беришда ва “Компания” ходимларининг малакасини ошириб боришда иккала томоннинг профессор-ўқитувчилари ва малакали мутахассисларини жалб қилиш;

к) ҳамкорликни ривожлантириб ва чуқурлаштириб бориш жараёнида иқтидорли ва ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтож талабаларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини кўриб чиқиб ҳал қилиш;

л) ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида, шунингдек илмий-тадқиқот лойиҳаларида биргаликда иштирок этиш, ўқув-методик, ишлаб чиқариш ишларида ўзаро илмий-амалий тажриба алмашиш, тегишли йўналишлар бўйича масофавий ўқитишни ташкил этиш;

м) Томонлар ўзаро келишган ҳамкорликнинг бошқа соҳалари.

3-модда. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши

Томонлар мазкур Меморандумнинг 2-моддасида назарда тутилган ҳамкорликларни амалга оширишда ҳар бир ҳамкорлик предмети тафсилотларини алоҳида ахдлашувлар орқали амалга оширадилар.

Томонлар ўзаро келишувига биноан ушбу Меморандум мақсадлари учун бошқа шерикларни, ҳамкорларни жалб қилишлари мумкин.

4-модда. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси

1. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси амалдаги қонунчилик ҳамда Томонлар иштирокчиси ҳисобланган халқаро битимларга мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

2. Томонлардан бирининг товар номи, фирма белгиси ва\ёки расмий эмблемасидан иккинчи Томон тарафидан нашр, ҳужжат ва\ёки бошқа усулларда фойдаланиш, биринчи Томоннинг ёзма рухсатисиз таъқиқланади.

3. Маҳсулот, кашфиёт/ихтиро Томонларнинг биргаликдаги фаолияти ёки Томонларнинг ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида яратилган бўлса, ўзаро келишувга мувофиқ ҳар иккала Томонга тегишли ҳисобланади;

4. Томонлардан бирининг якка фаолияти ёхуд амалга оширган тадқиқотлари натижасида яратилган маҳсулот, кашфиёт/ихтиро фақат ўша Томонга тегишли ҳисобланади.

5-модда. Махфийлик

1. Ушбу Меморандум ёки унга мувофиқ тузилган бошқа келишувларнинг бажарилиши вақтида ҳар бир Томон бошқа Томонга тақдим этган ёки ундан қабул қилган ҳужжат, ахборот ва\ёки бошқа маълумотларнинг махфийлигига, тижорат сири талабларига риоя қилиш мажбуриятини олади.

2. Ҳар бир Томон ҳужжат, ахборот ёки бошқа маълумотларни бундай ҳужжат, ахборот ёки бошқа маълумотларни тақдим қилган Томоннинг ёзма рухсатисиз учинчи Томонга ошкор қилмайди ва тақдим этмайди.

3. Ушбу Меморандум ўз кучини йўқотишидан қатъий назар Томонлар мазкур модда қоидалари амалда бўлиши тўғрисида келишиб олдилар.

4. Юқорида келтириб ўтилган талабларга қарамай ҳар бир Томон ушбу маълумотларга мухтож бўлган юқори даражадаги раҳбарият, менежмент, ходимлар, ишончли шахслар, вакиллар, маслаҳатчиларга махфий ёки тижорат сири бўлган маълумотларни ошкор қилиши мумкин. Бундай ҳолларда ушбу маълумотларни ошкор қилиш, шунингдек унинг оқибатлари учун жавобгарликни ушбу маълумотларга эга бўлган шахслар ўз зиммасига оладилар.

6-модда. Маслаҳатлашув

Томонлар ушбу Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Томонлар мазкур Меморандум мақсади ва унда белгиланган вазифларни ўз томонларидан амалга оширилишига бевосита масъул жавобгар бўлган шахс/шахсларни белгилайдилар.

7-модда. Ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ҳар бир Томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартиш ёки қўшимча киритишни ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

2. Томонлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган баённомалар

шаклида расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Кирилган ўзгартиш ва қўшимчалар кучга кирган санадан бошлаб юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

3. Ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

8-модда. Жавобгарлик

Ҳеч бир Томон ушбу Меморандум асосида ёки унга боғлиқ равишда бошқа Томон олдида олинмаган фойда, йўқотилган обрў, шартномани бекор қилиш, ишбилармонлик имкониятини йўқотиш ёки тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш/тугатиш, бошқа Томонга билвосита келиб чиқадиган махсус ёки ғайри оддий йўқотишлар ёхуд зарар, шунингдек юзага келиши мумкин бўлган бошқа салбий ҳолатлар учун жавобгар бўлмайди.

9-модда. Низоларни ҳал қилиш

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар учинчи томонга ёхуд судларга мурожаат этмасдан, Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва/ёки музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

10-модда. Кучга кириш, амал қилиш ва ўз кучини йўқотиш

1. Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва ўн (10) йил муддат давомида амал қилади.


2. Томонлар ўзгача келишмаган тақдирда, бу муддат ўз-ўзидан кейинги ўн (10) йиллик муддатда узаяди.

3. Мазкур модда қоидаларидан қатъий назар, Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонни ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш нияти борлиги тўғрисида истаган вақтда, бу ниятни амалга ошириш санасидан камида олти (6) ой илгари ёзма равишда хабардор қилиб, унинг амал қилинишини тугатиши мумкин.

4. Ушбу Меморандумнинг тугатилиши, унинг амал қилиши ўз ниҳоясига етиши санасидан аввалроқ келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.


5. Мазкур Меморандум Тошкент шаҳрида 2021 йил 16 март куни икки (2) асл нусхада, ҳар иккиси (2) ҳам ўзбек тилида тузилди.

**Тошкент шаҳри
Аджу Университети ректори**



Муратов Гайрат Азатович

**“Artel electronics”
Бошқарув Раиси**



**Қобил Тошмуҳаммедов
Абдужалилович**